

**Янги Конституцияда Парламентнинг суд ва назорат органлари,  
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар  
фаолияти устидан назорат функциялари кучайтирилмоқда**

Янги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Бошпрокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳисобпалатасираҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши, шунингдек, республика коррупцияга қарши курашиш органива республика монополияга қарши органираҳбарлари Сенат томонидан сайланиши амалиётини жорий этиш таклиф этилди.

Махсус хизматлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлатхавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзод Сенат билан маслаҳатлашувлардан сўнг Президент томонидан лавозимга тайинланиши белгиланмоқда.

Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари ҳам кучайтирилиб, парламент назоратининг муҳим шакли бўлган парламент текшируви институти Конституцияда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилмоқда.

Айрим олий мансабдор шахсларнинг лавозимга сайланиш ёки тайинланиш муддатлари бўйича чекловлар белгиланади.

Сенат Раисива Қонунчилик палатаси Спикери, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши раислари, уларнинг ўринбосарлари, Бошпрокурор, Марказий сайлов комиссияси раиси, ҳокимларни лавозимга икки муддатдан ортиқ сайлаш ёки тайинлашга чеклов киритилмоқда.

Конституциявий суд судьяларини қайта сайланиш ҳуқуқисиз 10 йилга сайлаш тартиби белгиланмоқда (ҳозирда биринчи марта 5 йилга, кейин яна 10 йилга сайланади).

Конституцияга адвокатура институтига бағишланган ва адвокатлар фаолиятининг кафолатларини мустаҳкамловчи алоҳида боб киритилмоқда. Адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимояси бўлиши ва қонун билан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланмоқда.

**Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва функциялари**, унинг жавобгарлиги сезиларли даражада кенгайтирилмоқда. Хусусан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, аҳолини, шу жумладан, ногиронлиги бор шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлар ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш ва бошқа соҳаларда ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун масъуллиги кенгайтирилди. Бундан ташқари, Ҳукумат зиммасига ижро этувчи ҳокимият органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, давлат хизматларининг сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш вазифалари юклатилди.

**Жиноят ишлари бўйича  
Узун туман судининг раиси**

**О.Жуманов**